Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
17 июль
ЧОРШАНБА
№ 57 (12589)

www.th.uz

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

# ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз, азиз деҳқон ва фермерларимизни, барча дала меҳнаткашларини ризқ-рўзимиз ва бойлигимиз манбаи, дастурхонларимизнинг тўкинлиги, тўқчилик белгиси бўлмиш ғалладан 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, улкан меҳнат ғалабасини қўлга киритганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бугун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи бор мана шундай мисли кўрилмаган натижага эришиб, кўпчилик вилоят ва туманларда, фермер хўжаликларида ҳосилдорликни юксак даражага етказганимиз фидойи деҳқон ва фермерларимиз қандай буюк ишларга қодир эканини намоён этиб, бутун халқимизнинг кайфияти ва руҳини кўтарди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Халқимизга мансуб бўлган азалий қадриятга кўра, нонни азиз ва табаррук неъмат сифатида қадрлаб, эъзозлаб, уни доимо кўзига тўтиё қилиб яшайдиган эл-юртимиз бу ютуқ қандай оғир ва машаққатли меҳнатингиз, азму шижоатингиз эвазига қўлга киритилганини яхши билади ва юксак баҳолайди.

Ҳақиқатан ҳам, бу йилги мавсумда ўртача ҳосилдорликни 55 центнерга етказганингиз, ўтган йилга нисбатан қарийб 500 минг тонна кўп ғалла олишга эришганингиз ҳар қанча таҳсин ва тасанноларга муносибдир.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Жорий йилда барпо этилган улкан ғалла хирмонини 90-йилларда мамлакатимизда шу борада мавжуд бўлган ҳолат билан қиёслаб, солиштирадиган бўлсак, бизнинг тарихан қисқа даврда тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин бўлган буюк йўлни босиб ўтганимиз, бу ғалабанинг нақадар юксак, юртимиз учун нақадар қадрли экани яна ва яна бир бор аён бўлади.

1991 йилда, Ўзбекистон энди мустақилликка эришган кунларда ўлкамизда жами 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик бор-йўғи 17 центнерни ташкил этганини, республикамиз дон ва ун таъминоти бўйича бутунлай Марказга қарам бўлиб кун кечирганини ўзимизга фараз қилсак, ўтган йиллар мобайнида ғалла мустақиллигини қўлга киритганимиз, ҳосилдорлик 3 каррадан кўпроқ ошгани, умумий ҳосил 7 баробардан зиёд кўпайгани, ҳозирги вақтда нафақат ўз эҳтиёжимизни таъминлаш, айни пайтда хорижий давлатларга дон экспорт қилишга эришганимиз бизнинг қандай юксак марраларни забт этганимиздан яққол далолат беради ва ўзгаларнинг ҳайратини тортади.

Албатта, қўлга киритилган бундай улкан натижаларнинг асосий омил ва мезонлари нималардан иборат, деган табиий савол туғилади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бизнинг бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган, ривожланишнинг "ўзбек модели" деб ном олган тараққиёт йўлини, демократлаштириш ва янгиланиш йўлини танлаганимиз, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш мақсадида чуқур ўйланган, кенг кўламли ислоҳот ва ўзгаришларни аввало иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлмиш қишлоқ хўжалигидан бошлаганимиз мана шундай ютуқларимизнинг негизини ташкил этмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўзини оқламаган эски тизимнинг ўзаги бўлган мулкчилик шаклларидан воз кечиб, бозор муносабатлари ва хусусий мулкчиликни жорий этганимиз қишлоқ хўжалигида мутлақо янги ишлаб чиқариш муносабатларини ривож топтиришда, энг муҳими, қишлоқ аҳлининг бутунлай янгича фикрлаш, ўз меҳнатига янгича қарашини шакллантиришда энг асосий ва муҳим омил бўлди.

Шу борада фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берганимиз, уни мустаҳкамлаш ва тараққий эттириш учун ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий замин яратиб берганимиз, бу ҳаракатни ҳар томонлама рағбатлантириб, қўллаб-қувватлаганимиз бугунги кунда унинг қишлоқ хўжалигида чиндан ҳам ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқишида, деҳқон ўзини ҳақиқий ер эгаси, мулк соҳиби деб ҳис қилишида, фермерларни, таъбир жоиз бўлса, жамиятимизнинг таянчига айлантиришда беқиёс аҳамият касб этди.

Шу маънода, барчамизни боқадиган, жамики ноз-неъмат ва бойликларнинг бунёдкори бўлмиш деҳқон ва фермерларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури, ҳаётга муносабати, сиёсий савияси ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани бугун қўлга киритаётган улкан марраларимизнинг асосий шарти ва гарови бўлмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Айтиш керакки, бу йилги мавсум ўтган мавсумларга нисбатан осон бўлгани йўқ. Ғаллакорларимиз табиат ва иқлим қийинчиликлари билан боғлиқ турли синовларни енгиб ўтишларига тўғри келди. Қиш фаслида ҳавонинг совуқлик даражаси меъёридан ортиқ бўлгани, март ойида эса ҳароратнинг одатдагидан кўра пасайиб кетгани, дўл ва жалалар ёғиши деҳқонларимиз учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирди.

Айни шундай мураккаб шароитда дала меҳнаткашлари аввало ишни тўғри ташкил қилиш, замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланиш ҳисобидан ҳосилни сақлаб қолишга ва белгиланган марраларни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Бу ҳақда гапирганда, мавсум давомида ғаллазорларга жами 12 миллион тонна, ҳар гектар майдонга ўртача 10 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани, деҳқонларимизнинг ҳар туп кўчат устида парвона бўлиб, ўзини аямасдан меҳнат қилганини миннатдорлик билан таъкидлаш лозим.

Албатта, мана шундай юксак хирмон яратишга эришганимизнинг омиллари ҳақида сўз юритганда, охирги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, селекция ишларини тўғри йўлга қўйиш, ғалла навларини ҳар бир ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитини, сув билан таъминланиш даражасини инобатга олган ҳолда жойлаштириш, замонавий техника, янги комбайнлар, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш, ҳашарот ва зараркунандаларга қарши курашиш – албатта, буларнинг барчаси амалий самарасини берганини унутмаслигимиз керак.

Ишнинг кўзини билиб амалга оширилган ана шундай муҳим чора-тадбирлар туфайли барча вилоят, жумладан, нисбатан оғир шароитда бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ғаллакорлари ҳам давлатга дон сотиш шартнома мажбуриятини бажаришга эришдилар. Айниқса, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятларида суғориладиган ерларда ҳосилдорлик ўртача 57-63 центнерни ташкил қилганини бу йилги мавсумнинг энг муҳим натижаси сифатида баҳолаш ўринлидир.

Бошқаларга ибрат ва намуна бўлган Учқўрғон, Норин, Уйчи, Сариосиё, Вобкент, Яккабоғ, Қарши, Олтинкўл, Иштихон, Пахтаобод, Избоскан, Балиқчи, Оқдарё, Учкўприк, Косон, Дўстлик, Ромитан, Тошлоқ, Фурқат, Пискент, Юқори Чирчиқ, Хатирчи туманларида ҳосилдорлик 60-75 центнердан ошганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Каттақўрғон туманидаги "Ҳосил", "Шакар ота", Учкўприк туманидаги "Фаровон ҳаёт сари", Норин туманидаги "Аҳмаджон Алижон ота ўғли", Учқўрғон туманидаги "Гулхумор", Бувайда туманидаги "Ёқубжон ота", Олтинкўл туманидаги "Намуна серҳосил ери", Жондор туманидаги "Бахтиёр Яраш ўғли", Дўстлик туманидаги "Омонтурди ота", Хатирчи туманидаги "Тасмачи иқболи", Ўрта Чирчиқ туманидаги "Иброҳим Абдураҳмонов" каби ўнлаб фермер хўжаликларида гектаридан 100 центнер ва ундан ошириб ҳосил олингани юртимиз деҳқонларининг ҳақиқий омилкорлик фазилатлари ва меҳнат жасоратининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Энг асосийси, етиштирилган жами ҳосилнинг қарийб 50 фоизи ёки 3 миллион 524 минг тоннаси фермер хўжаликлари ихтиёрида қолдирилганини деҳқонларнинг омборлари донга, рўзғорлари қут-баракага тўлиб бораётгани, улар ўз меҳнатидан катта манфаат кўраётганининг ёрқин далили сифатида қабул қиламиз.

Қадрли ва муҳтарам дўстларим!

Ишончим комил – бугунги қувончли айёмда сиз, азиз ғаллакорларимиз, деҳқон ва фермерларимиз эришган бу улкан ғалаба Ўзбекистонимизда каттаю кичик барчани, касбу кори, вазифасидан қатъи назар, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Бугун эл-юртимизнинг тилида ва дилида сизларнинг шаънингизга бағишлаб, "Баракалла, барчамизни қойил қолдирдингиз, ҳеч қачон кам бўлманг!" деб айтиладиган ҳис-туйғулар, эзгу тилаклар мужассам, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан.

Мана шундай хурсандчилик кунда сиз, миришкор деҳқон ва фермерларни, механизатор ва комбайнчиларни, қишлоқ хўжалиги мутахассисларини, юксак хирмонга муносиб ҳисса қўшган барча-барча юртдошларимизни бағримга босиб, яна бир бор самимий табриклайман.

Фидокорона ва ҳалол меҳнатингиз учун ўз номимдан, бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.

Доимо соғ-омон бўлинг, азизларим, қадрдонларим!

Гўзал ва бетакрор, муқаддас Ватанимизни, заҳматкаш ва олижаноб халқимизни Яратганимиз доимо ўз паноҳида асрасин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

# ЁШЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

**Зангиота туман ҳокимлигида ёшлар тарбияси, уларни 12 йиллик мажбурий таълим жараёнига қамраб олиш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта турмушга чиқиш ва эрта туғиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳамда ёш оилалар бузилишининг олдини олишда ҳамкорлик тизимини йўлга қўйишнинг муҳим масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева сўзга чиқиб, давлатимиз томонидан хотин-қизлар ҳар томонлама қўллаб келинаётганлиги, уларнинг эркин ижод ва меҳнат қилишлари учун барча шароитлар муҳайё этилгани, бундан унумли фойдаланиш ва жамиятнинг энг фаол аъзолари бўлиш лозимлиги ҳақида гапириб ўтди.

Йиғилишда вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликни олдини олиш бошқармаси бошлиғи, туман бош имом-хатиби сўзга чиқиб ёшлар тарбияси, уларни 12 йиллик мажбурий таълим жараёнига қамраб олиш, ўғил-қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ана шундай тадбир туман Агросаноат касб-ҳунар коллежида ҳам бўлиб ўтди.

**Зилола АЛИЕВА.**

Ғалла – 2013



# ЎН ОЙЛИК МЕҲНАТ САМАРАСИ

**Ғаллачилик кейинги беш-олти йил давомида қишлоқ хўжалигининг давлат аҳамиятига молик устувор тармоқларидан бирига айланди. Ушбу ўсиш суръатларини Тошкент вилояти мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, 2008 йилдан буён ғалла майдонларини кенгайтирмаган ҳолда, фақат ҳосилдорликни ошириш ҳисобига умумий дон хирмони барқарор юксалиб борганига гувоҳ бўламиз. Чунончи, 2008 йилда вилоятда суғориладиган майдонларда 456,9 минг тонна дон етиштирилган бўлса, 2012 йилга келиб салкам 574 минг тоннага етди. Бу йил эса, 700 минг тоннадан ошиши кутилмоқда. Кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигига эришишида вилоятимизнинг салмоқли ҳиссаси бор.**

Кўпчилик тажрибали деҳқонлар таъкидлашганидек, 2013 йил ҳақиқатдан ҳам ғалла йили бўлди. Қиш ва баҳордаги кетма-кет ёғинлар экиннинг тупроқ таркибидаги озуқа моддаларни тўлиқ ўзлаштириб, қалин туплаши ва дуркун ривожланишига замин яратди. Бироқ, табиат инжиқликлари – қаттиқ совуқ, дўл ва жалалар шароитида фермерларнинг ишнинг кўзини билиб қиладиган ҳаракатисиз мўл ҳосил етиштириб бўлмайди. Вилоят ҳокимлиги дон етиштирувчи фермерлар олдига қўйган талаблар самараси ўлароқ барча далаларда кутилганидан ҳам зиёда ҳосил тўплашга эришилди.

Аммо, "Даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб" дейишади уста деҳқонлар. Зеро, даладаги баракали ҳосилга маҳлиё бўлиб, қимматли фурсатларни бой бермай, донни тезроқ ўриб-янчиб, сарамжомлаб олинмаса, бошоқларнинг бир қисми чанқаб, тўкилиб, нест-нобуд бўлади, умумий хирмоннинг чўғи пасаяди. Шуни ҳисобга олиб, кейинги йилларда ўрим-йиғим билан боғлиқ ҳамма ишлар отряд усулида ташкил этилмоқдаки, бунинг самараси йилдан-йилга ғалла хирмони барқарор юксалиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда.

Отряд усулининг моҳияти шундаки, ғалла ўрими ҳосил обдон пишиб етилган фермер хўжаликлари даласидан бошланиб, ўрим гуруҳлари бир фермер даласидан иккинчисиникига, худди шундай тартибда бир тумандан иккинчисига ўтиб, ишни давом эттириб боради. Отрядлар мавсум бошланишидан бирмунча аввал тузилиб, ўрим ишлари учун керакли барча воситалар билан мукаммал таъминланади. Жумладан, ошхона, ўқариқларни кўмувчи техника ва механизм, милиция ва ёнғин хавфсизлиги

(Давоми 2-бетда).

## РАҚАМЛАРДА САЛМОҚ БОР

**"Ўзбекистон металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамиятида шу йилнинг биринчи ярим йиллигида комбинатда 381 135 тонна пўлат эритилиб, 366 774 тонна прокат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.**

Ярим йилликка мўлжалланган кўрсаткичлар бажарилиши билан бирга 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 3 649 тонна пўлат, 2873 тоннадан кўп прокат маҳсулотлари тайёрланди.

Комбинатда 21 252 654 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Унинг 18 505 549 минг сўмини сирланган идишлар ташкил этди.

## ЁЗНИ «КАМАЛАК» БИЛАН

**Юқори Чирчиқ тумани "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ташаббуси билан таътил мавсумида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, мақсадида "Ёзни "Камалак" билан" лойиҳаси асосида "Бойчечак" оромгоҳига ташриф уюштирилди.**

Оромгоҳда дам олаётган 330 нафар болажонлар ўртасида қизиқарли танловлар ўтказилиб, фаол иштирок этган 45 нафар болажонларга кенгаш томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Нозима САЛИМОВА.**

Шундайлар бор бўлсин

# МЕҲРИБОН ОТА, ЖОНКУЯР УСТОЗ

**Шокир ака бугун ҳар қачонгидан барвақт турди. Нонуштани ҳам наридан-бери тановул қилди. Аёлининг ҳай-ҳайлашига қарамай, бозор халтани қистирганча, кўчага шошиб чиқиб кетди. Бугун уйига жондан азиз фарзанди Азизахон келади. Қизимнинг оғзига ёқадиган таом тайёрлаб бераман, деб бозорлик қилишни ҳатто тадбирли рафиқасига ишонмади. Аксарият эркаклар ўғил кўрганда қувонса, Шокир ака бир пайтлар қизли бўлгани учун дўпписини осмонга отиб юрганди. Доимо азиз бўлиб юрсин, дея исмини Азиза қўйди. Ҳозир набиралари билан кириб келганида ўтқазгани жой тополмайди. "Жоним болам", "нуридийдам" дея алқагани-алқаган. Буни кўрган набиралари бувасининг пинжига тиқилишади.**

Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг саноат темир йўл транспорти бошқармаси электровоз машинисти Шокир Маматқулов ана шундай меҳри дарё, кўнгилчан киши. У инсондан яхши амаллари, солиҳ ва солиҳа фарзандлар қолиши керак деб кўп таъкидлайди. Яқинда меҳнат дафтарчасида ёзилган иш стажини кўриб қолди. Салкам 32 йил. Бу айтишга осон. Бу йилларни қанчадан-қанча меҳнатлар, интилишлар, изланишлар билан чиройли якунлаб келмоқда. Шу боис ҳеч бир куни бесамар ўтмаяпти.

Бугун ҳам комбинатнинг эшиги олдида ҳамкасблари билан саломлашиб турар экан, қандай қилса ташувлар технологиясини ривожлантириш, фабрикаларга шлаклар ва маъданларни кечикмасдан талафотларсиз етказиш мумкинлиги ҳақида бош қотира бошлади. Дўстлари тамаки чекишни таклиф қилишса ҳам соғлиғимга, ҳам вақтимга ачинаман дея шошганча иш жойига кетди.

Бошқарманинг 4-темир йўл цехи ва 5 та хизмат бўлинмасида иккинчи даражали ходиму керакмас техниканинг ўзи йўқ. Бари бир-бири билан боғлиқ. Ҳаттоки, журналистлар келишса ҳам ишчилар интервью беришга аранг вақт топишади. Чунки ишлаб чиқариш соҳаси баҳоналарни қабул қилмайди.

Корхонадаги йиғилишлар Шокир акасиз ўтмайди. Бугунги йиғилишда у корхона раҳбариятининг меҳнат муҳофазаси, техника ва ҳаракат хавфсизлиги бўйича қилаётган ишлари эришилаётган натижаларда ўз самарасини бераётганини чиройли гапириб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

Шундайлар бор бўлсин

# МЕҲРИБОН ОТА, ЖОНКУЯР УСТОЗ

– Бошқармамиз конлар ва фабрикалар ўртасидаги ишлаб чиқариш жараёнида боғловчи ҳалқа ҳисобланади, – дейди қаҳрамонимиз. – Қалмоққир ва Сариқ-Чўққи конларидан қазиб олинган маъданни бойитиш фабрикаларига ташиш ҳазилакам иш эмас. Ҳеч кимни бир дақиқа бўш турганини кўрмайсиз. Биров-биров билан бекорчи лақиллашиб ўтириши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бир дақиқалик эътиборсизлик комбинатимиз учун қимматга тушиши мумкин.

Шокир Маматқулов меҳнат қилаётган цехнинг ўз парки бор. Паркка қарашли 26 та тепловоз, 5 та электровоз ва 223 та вагоннинг замонавийлиги ва чидамлилигини кўриб, кўзингиз қувнайди. Шокир ака уларнинг ҳар бири соз ҳолатда бўлишини истайди. Ана шунда меҳнатнинг машаққати камроқ бўлади. Локомотивни бошқариб борар экан, фабрикаларга маъдан ва халқ хўжалиги юкларини ташиш бўйича режалар ўз вақтида ва барқарор бажарилаётганини эшитиб, Шокир аканинг юзига табассум ёйилди. Режалар 100 фоиздан кам эмас. Демак, у керакли жойда керакли ишни қиляпти. Буни билиш ҳар бир одамнинг нияти. Назардан қолишдан ўзи асрасин.

360045, 377055, 391203....

Булар қандай рақамлар экан, дея ўйлаётгандирсиз? Узоқ ўйлашингиз шарт эмас – қаҳрамонимиз охирги уч йилда ўз манзилига етказган маъданларнинг тонналари. Ҳайратланарли рақамлар. Инсон бардоши олдида бош эггинг келади. Шокир аканинг босиб ўтган масофаларини рақамларда келтириб ўтирмадик. Уларни кўриб бу одам ҳеч жим ўтирмасакан, деб юборасиз.

– Бу рақамларга эришиш фақат менинг қўлимда эмас, – дейди Ш. Маматқулов. – Бунда жамоамизнинг аҳиллиги ва уюшқоқлиги қўл келяпти. Ҳамкасбларим бир оила бўлиб меҳнат қилишади. Шу сабабли бошлиқлар олдида юзимиз ёруғ. Кимдир бировнинг олдида қизариб, дакки эшитаётганини эслай олмайман ҳам. Бу ерда ҳеч ким боғча боласи эмас. Ишга келдингми, ишла, маошингни олиб оилангни боқ. Бошқа гап бўлиши мумкин эмас.

У кўп йиллик иши давомида ёш мутахассисларнинг бир нечта авлодини тарбиялаб, улар учун нафақат билимли мураббий, балки яқин дўст ва устоз бўлиб қолди. Шу кунга қадар Шокир Маматқулов 10 нафар электровоз машинисти ва 25 нафар машинист ёрдамчисини тайёрлаган бўлса, улар ҳозирда устознинг атрофида парвона. Устозлари салкам билимлар хазинаси. Хазинани ўргангинг, ўқигинг келади. Шогирдлари ўзи билан елкама-елка туриб меҳнат қилишаётганини кўриб гоҳ-гоҳида ғурурланиб қўяди. Уларга иш ўргатаётганида қизига айтадиган "жоним болам" сўзини ҳеч тилидан қўймайди. Жамоа орасида ҳурмат ва эътиборга эга, зарур ҳолларда у доно маслаҳатларини аямайди. Иш ёки шахсий ҳаёт тажрибаси борасидаги мураккаб масалаларни ҳал қилишда доимо камарбаста.

Шокир ака бугун ишдан ҳориб-чарчаб келди. Рафиқаси дамлаб узатган аччиққина кўк чойни эндигина хўплаган эдики, эшик тақиллаб қолди. Чиқиб қараса, ўзи яшайдиган "Олтин" маҳалласи фаоллари. Маҳалладаги кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйини ўтказишни кенгашиб олишга келишган экан. Чойнакдаги чойни илҳақ қилганча маҳалла идорасига отланди. Яна аёли ҳай-ҳайлаганча қолди.

– Бу одам вазмин, камгап, жиддий, меҳнатсевар ва эътиборли инсон бўлганидан бошим айланиб, турмушга чиққанман, – дейди аёли ҳазил аралаш. – Кетларидан ҳай-ҳайлаганча шунча йилни яшаб, ошимизни ошаб келяпмиз. Тақдир менга шундай турмуш ўртоқ ато этганидан миннатдорман. Бундан ортиғи бўлмаса керак. Қаҳрамонимиз қизини ҳам ўзига ўхшатиб тарбиялади. Қизи эса касб танлашда ҳеч иккиланмади. Отасининг изидан бориб, кам бўлмаяпти.

Шокир Маматқулов Юртбошимиз томонидан "Фидокорона меҳнатлари учун" ордени билан тақдирланган.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).



**СУРАТДА:** Шокир Маматқулов (ўртада) хизматдошлари билан.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Огоҳлик

**"Бирор ножўя иш қилинаётганини кўрсангиз, қўлингиз билан қайтаринг, бунга кучингиз етмаса, тилингиз билан қайтаринг. Бунга ҳам имкон топмасангиз, ҳеч бўлмаса, кўнглингизда у ишга норози бўлинг, бу эса имоннинг энг паст даражасидир", дейилади Ҳадиси шарифда.**

# БЕПАРВОЛИК – ХАВФЛИ ИЛЛАТ

Ножўя хатти-ҳаракат, фитна-фасод гап-сўзларга нисбатан қалбан норозилик билан кифояланиш имони заифлик белгиси экан, кўриб-кўрмасликка, эшитиб-эшитмасликка олиш ҳақида нима дейиш мумкин?.. Одатда ўз тинчини ўйлаш, ортиқча ташвишдан қочиш истаги кишини шундай йўл тутишга ундайди. Виждонига, имонига қарши бориб бўлса ҳам кўрганларидан кўз юмади. Агар шу ҳолат кўлами кенгроқ бўлса, борингки, Ватан, миллат тақдирига дахлдор бўлса, шунда ҳам киши худбинона одатига содиқ қолса у ўз-ўзидан жуда оғир оқибатларга сабабчи бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Ҳа, бепарволик, лоқайдликнинг катта-кичиги бўлмайди. Тананинг қай бир қисмида кўринган хасталик белгисига парво қилмаслик дарднинг авж олиб кетишига, гоҳида киши ҳаётини хатарга қўйишига сабаб бўлиши мумкин. Худди шунингдек, оилада тарбия борасида сусткашликка йўл қўйилса, фарзанд хатти-ҳаракатига бепарво бўлинса, фурсат бой берилса, умид билан оила қуриб, бола-чақа орттирган ота-оналар пушаймонлик, ғам-андуҳдан бошқа нарсага эришмайдилар.

Маълумотларга кўра, дунёда исломни ниқоб қилиб олган 500 га яқин экстремистик гуруҳ ва ташкилотлар фаолият юритаркан. Ҳар йили 300-600 тагача террорчилик ҳаракатларини содир этишаркан. Бу совуқ рақамлар кишини беихтиёр ҳушёр торттириши шубҳасиз. Шулардан ваҳҳобийлар, ҳизб-ут-таҳрирчилар каби бир қанча гуруҳлар бизнинг юртимизда ҳам илдиз отишга уриниб кўришганини яхши биламиз. Маълумки, динни ниқоб қилиб, дин номидан иш кўрадиган бундай кимсаларнинг динга, чинакам имон-эътиқодга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аксинча, тинчлик, барқарорлик, тараққиёт, қолаверса, диннинг ҳам душманларидир улар. Экстремистик гуруҳ ва ташкилотларнинг мақсади – хусусан, бизнинг мамлакатимиздаги каби Истиқлолга эришиб, ер ости-усти бойликларига ўзлари эгалик қилиб, кундан-кунга оёққа туриб бораётган халқлар йўлига ғов бўлиш, миллатлар, динлар ўртасидаги аҳилликка рахна солишдир. Бунинг учун улар аввало мамлакат ичкарисидан ўзларига маслакдош – таянч қидирадилар. Ва асосан тажрибасиз, етарли мафкуравий иммунитети шаклланмаган ёшларни йўлдан уришга ҳаракат қиладилар. Шундай хавф бўла туриб, бепарво бўлиш, ёшлар тарбиясига, демакки уларнинг тақдирига лоқайд қараш, бу бориб турган жиноятдир.

Ёки бўлмаса, кунига бир неча марталаб телевидение орқали: "Огоҳ бўлинг, ҳар йили дунё бўйича 3 000 000 киши одам савдоси қурбонига айланаётир, пул топаман деб қул бўлиб қолманг", дея ҳушёрликка чақириб турилган ҳолда, бизнинг Олмалиқ шаҳар мисолида айтишим мумкинки, бундай кўнгилсиз ҳоллар ҳамон учраб турибди. Мана яқинда шаҳар ҳокимиятида "Тинчлик учун кураш" мавзусида бўлиб ўтган тадбирда сўзга чиққан аёлнинг тақдири бунга яққол мисол бўла олади. У яқин бир дугонасининг ваъдасига алданиб, ноқонуний йўл билан хорижга чиқади. Ва кўп ўтмасдан хатога йўл қўйганини англайди, бироқ ортга қайтишга ҳадеганда йўл тополмайди. Олти ой давомида бошидан кечирган кўргиликларни кўзда ёш билан сўзлаб бераётган аёлнинг ҳикоясини тингларкан, тадбир иштирокчиларининг ҳар бири ўз тақдирига, оиласи, бола-чақаси тақдирига бепарволик кишини не кўйларга солиши мумкинлигини юрак-юракдан ҳис қилган бўлса ажабмас.

Ақлли душмандан нодон дўст хавфлироқдир, дейдилар. Шундай, нодонлик ёмон иллат. Аммо, ундан ҳам ёмонроқ, хавфлироқ иллат, бу – бепарволик, лоқайдликдир. Бепарво, лоқайд кимса атайин душманлик қилмайди. Аммо ўз бепарволиги, боқибеғамлиги билан душмандан ҳам кўра кўпроқ зарар етказиши мумкин. Бироқ шу нарса ҳам аён ҳақиқатки, бу зарардан унинг ўзи, қолаверса икки дунёси ҳам бенасиб қолмайди.

**Азимжон АЛИМЖОНОВ,**
**Олмалиқ шаҳар бош имом-хатиби.**

Доимий комиссия фаолиятидан

**Халқ депутатлари вилоят Кенгаши Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент вилояти ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида Ангрен шаҳрида Юртбошимизнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.**

# КОНЦЕПЦИЯ ТАЛАБЛАРИ АМАЛДА

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаталари, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари, Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссия раислари, аъзолари, шаҳардаги ташкилот, корхоналар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда Концепциянинг мазмун-моҳиятини маҳаллий Кенгаш депутатлари орқали кенг жамоатчиликка етказиш, шунингдек, бу борада мамлакатимизда амалга оширилган ишларни таҳлил этиш, маҳаллий Кенгаш депутатлари олдида турган асосий вазифаларни белгилаб олиш ҳамда "Ангрен махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ижроси каби масалалар муҳокама қилинди.

Тадбир интерактив усулда – фикр-мулоҳаза ва савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Бундай семинарларни вилоятимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этиш ҳақида келишиб олинди.

Иштирокчилар Ангрен шаҳридаги "Логистика маркази", касб-ҳунар коллежлари ва мустақиллик йилларида бунёд этилган бошқа объектларда ҳам бўлишди.

**Баҳодир ТОҒАЕВ,**
**"Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси" раиси.**

Ғалла – 2013

# ЎН ОЙЛИК МЕҲНАТ САМАРАСИ

хизмати ходимлари, ҳисоб-китобчи, тиббиёт ва тижорат банки вакиллари, ер тузувчи мутахассис, шунингдек, фермер билан дебиторлик-кредиторлик қарзларини ҳисоб-китоб қилиб борувчи кимё ва нефть базалари, электр тармоқлари, МТПлардан ва туман ҳокимлигидан вакиллар бириктирилади.

Бу йил ўрим мавсуми олдидан 161 та отряд ташкил этилиб, уларга бошоқли дон эккан 4050 та фермер хўжаликлари бириктириб қўйилди. Шунингдек, 1586 та дон ташувчи автотранспорт ва тиркамали тракторлар отрядлар таркибига киритилди. Аввалдан пухта созланиб, махсус комиссия қабулидан ўтган 305 та комбайн отрядларга тақсимлаб берилди. Бундан ташқари, яна 15 та янги комбайнлар келтирилиб, уларнинг умумий сони 320 тага етказилди. Отряд раҳбарлари зиммасига контрактация шартномасини бажарган фермер даласида ўримни тўхтатиб, комбайнларни олдиндан белгиланган йўналиш бўйича бошқа фермер даласига олиб ўтиш, яъни ўрилмаган ғаллани тўлалигича фермер хўжалиги ихтиёрига қолдириш вазифаси юклатилди.

Умуман, мавсум бошиданоқ вақтдан ютиш мақсадида ўрим-йиғим билан боғлиқ ҳамма ишлар бевосита дала бошларига кўчирилди. Овқатланиш, дам олиш, техника воситалари ва ўрим иштирокчиларига хизмат кўрсатиш уйғунликда олиб борилди. Учта дон корхонаси негизидаги 15 та пункт даладан келтирилган ғаллани пешма-пеш, тўхтовсиз қабул қилиб турди.

Ҳосили ўриб бўлинган далалардаги сомонни измаиз йиғиштириб олиш ва ёқиб юборилишига йўл қўймаслик мақсадида 152 та алоҳида отряд ташкил этилиб, уларга 393 та сомон бойлагич бириктирилди.

Бўшаган майдонларни намлигида шудгорлаш учун яна 156 махсус отрядлар тузилиб, улар ихтиёрига 596 та ҳайдов тракторлари берилди.

Аввалдан пухта тузилган режа туфайли давлат эҳтиёжлари учун дон сотиш контрактация шартномаси ҳар йилгидан эрта ва қисқа муддат – 22 иш кунида бажарилди. 2 июль ҳолатига қабул пунктларига 660 минг тонна сифатли дон етказиб берилди.

Таъкидлаш жоизки, шартнома барвақт бажарилишида барча туманларнинг муносиб улуши бор. Юқори Чирчиқ, Оққўрғон, Пискент тумани ғаллакорлари эса шартнома режасини биринчи бўлиб бажардилар.

Улкан хирмонга Ўрта Чирчиқ тумани 41,3 минг тонна, Бекобод тумани 40,3 минг тонна, Бўка тумани 40,8 минг тонна, Оққўрғон тумани 28,6 минг тонна ғалласи билан салмоқли ҳисса қўшди.

Ўнлаб фермер хўжаликлари ҳосилдорликни 60 центнердан оширишга эришдилар. Ўрта Чирчиқ туманидаги "Иброҳим Абдураҳмонов", Оққўрғон туманидаги "Эргаш Саиджаҳон", "Баҳром", Пискент туманидаги "Аҳмедов Абдуғаффор", "Шуҳрат Дўстбеков" фермер хўжаликлари ҳосилдорликни ўртача 100 центнерга етказдилар.

Вилоят ғаллазорларида ўрим-йиғим қизғин давом этаяпти. Барча куч ва имкониятлар қолган ҳосилни ҳам тез кунларда саранжомлаб, вилоятнинг бу йилги ялпи хирмонини 700 минг тоннага етказишга қаратилган.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллигини муносиб кутиб олиш, барча соҳа ва тармоқларда эришилган ютуқ ва натижаларни, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги юксалиб, Ватанимиз қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори ортиб бораётганлигини, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши жойларда турли маданий-маърифий тадбирларни ташкил этмоқда.**

# ФАОЛЛИК ИБРАТИ

Бекобод шаҳрида "Камолот" ЁИҲ туман ва шаҳар кенгашлари раислари, бош мутахассислари, ҳаракат фаоллари иштирокида ўтказилган семинар ана шундай тадбирлардан бири бўлди.

Семинар қатнашчилари "Ёшлар билан ишлаш, уларнинг орзу ва умидларига шерик бўлиш бахти", "Ёшларни қўллаб-қувватлашдаги ҳамкорликни "Камолот" эътироф этади" мавзуларидаги маърузаларни тингладилар. Шундан сўнг "Камолот" ЁИҲ Бекобод шаҳар кенгаши томонидан 2013 йил амалга оширилган энг йирик лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди. Иштирокчилар бевосита ана шу лойиҳалар асосида иш олиб бораётган "Ёшлик" спорт мажмуаси, "Илҳом" адабиёт клуби, "Бунёдкор" ёшлар клуби, "Нотиқ ёшлар" тренерлар клуби, "Инглиз тилида гаплашамиз" клуби, "Камалак" болалар оромгоҳи "Камолот" бошланғич ташкилоти фаолиятлари билан яқиндан танишиб, "Сайҳун маликалари" мини-футбол мусобақасида иштирок этдилар. Қатнашчилар "Ўзметкомбинат" ОАЖнинг тарих музейи ва "Бекободцемент" ОАЖнинг "Цементчи" болалар оромгоҳида ҳам бўлишиб, бир олам таассурот олдилар.

**Каримқул МАВЛОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

# ОҚҚЎРҒОНДА БАХТИНИ ТОПДИ

**Азиза Пўлатхўжаева аслида Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳини тугатгач, йўлланма билан Оққўрғонга ишга келди. Тез орада тошкентлик ширинсухан қиз элнинг тилига тушди. Халқимизда "Шифокорнинг ширин муомаласи – дарднинг ярим давоси" деган ибора қўлланилади.**



Даволовчи шифокор мутахассислиги бўйича олийгоҳда олган билимларини амалиётда эндигина қўллашга киришган қиз тез орада нафақат беморларнинг балки туман марказий шифохонасининг тажрибали шифокорлари Шавкат Қосимов, Эрк Қаюмов, Эркин Тожибоев, Эркин Пирназаровларнинг ҳам назарига тушди. Узоқ йиллар туман халқининг саломатлиги йўлида ҳалол ва самарали меҳнат қилиб, эл ардоғида нафақага чиқди.

Тақдир экан, Азизахон оққўрғонлик Абдумалик Жуманов билан турмуш қурди. Умр йўлдоши билан фарзандлари Равшанжон, Баҳодиржон ва Умидахонларни эл корига ярайдиган инсонлар қилиб вояга етказишди. Улар ҳам ота-онаси каби олий маълумотли мутахассис бўлиб етишишди. Келини Василахон ҳамда куёви Фирдавсжонлар ҳам бу аҳил оилага муносиб фарзандлар бўлишди.

Азиза опа ўн нафар невара ва икки нафар чевара кўриб, уларнинг орзу ҳаваслари билан яшаб келмоқда.

– Мен бир умр туманимиз шифокорларидан миннатдорман, – дейди Азиза опа Пўлатхўжаева. – Ҳамкасбларим ва раҳбарият байрам кунлари йўқлаб туришади, шогирдим Гулчеҳра Жабборова уйимизга ҳар доим келиб, соғлигимни назорат қилиб боради. Мен уларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Фарзандлари, келинлари ва куёви ардоғида ҳаётининг энг лаззатли даврини, қарилик гаштини сураётган Азиза опага мустаҳкам соғлик тилаймиз.

**Пардабой ЭРГАШЕВ.**

**СУРАТДА:** шифокор Гулчеҳра Жабборова устози Азиза опа Пўлатхўжаеванинг соғлигини текшириб кўрмоқда.

"Абитуриент – 2013"

# КЕРАКЛИ КАДР БЎЛИНГ

**Бу йил Тошкент Давлат аграр университетида бакалавр босқичининг 7 та факультет, 18 йўналишига ҳамда магистратуранинг 21 йўналишига абитуриентлар қабул қилиняпти. Бакалаврлар учун 1540 та квота ўрни ажратилган бўлиб, шундан 420 таси давлат гранти, 1120 таси эса тўлов-контракт асосида.**

Абититуриентларга шароит яратиш мақсадида консультация хизматлари, тайёрлов курслари ташкил этилган. Қолаверса, уларнинг ота-оналари учун ошхона, дам олиш ва кутиш жойлари ҳам муҳайё.

– Илгари қабул жараёнини ўтказишда жой масаласи муаммо бўларди, – дейди ўқув ишлари бўйича проректор Йўлдош Саимназаров. – Стол, стул, кўргазмали қуролларни у ердан-бу ерга ташиб чарчардик. Абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари иссиқ ҳавода узундан-узоқ навбат кутиб қийналишарди. Икки йилдан бери қабул жараёни изоляцияланган ҳолатда ўтказилмоқда. Яъни, ажратилган ҳудудга бегона шахслар умуман киритилмайди. Абитуриентлар энди кенг ва шинам хоналарда ҳужжатларини бемалол топширишяпти.

Қабул жараёнида тартиб ва хавфсизликни сақлаш учун "Vita" қўриқлаш хизматининг ходимлари жалб этилган.

Талаб пасайганлиги учун бу йил университетнинг иқтисодиёт, бухгалтерия ва маркетинг йўналишлари бўйича қабул квоталари камайтирилди. Аксинча, техника, мева-сабзавотчилик, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳаларига эътибор кучайтирилди. Бу йилги абитуриентлар орасида агрономия ва ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳаларига ҳам талабгорлар кўп.

Маркетинг бўлими бошлиғи Фарҳод Исломовнинг айтишича, бир кунда 500-600 нафар абитуриент қабул қилинаётган экан. Улар учун ажратилган биринчи залда ўзларини қизиқтирган барча маълумот ва маслаҳатларни олиб бўлгач, ариза ёзиш учун иккинчи залга ўтишади. Учинчи залда эса ҳужжатларни топшириб бўлгач, уйларига кетаверишади. Ҳар бир факультет қабули учун компьютер жиҳозлари, ҳаттоки веб-камера алоҳида ўрнатилганини кўриб қувондик. Ҳужжат топшираётган абитуриент аввал веб-камерага суратга туширилади. Кейин компьютерга у ҳақдаги барча маълумотлар киритилиб, тезликда тест марказининг порталига жўнатиларкан. Абитуриент бундан аввал бошқа олий ўқув юртига ҳам ҳужжат топширган ёки ҳужжатларида шубҳали маълумотлар бўлса тезда аниқланади.



Абитуриентларни узоқ ва яқиндан келишини инобатга олиб қабул маркази эрталаб соат 8 дан кечки 18 гача ишламоқда. Марказда ўрнатилган телефонлар бир дақиқа ҳам тинмайди. Кимдир телефон қилиб, ҳарбий хизматни тугатиб қайтганлар учун қандай имтиёзлар борлиги ҳақида сўраб қолди. Қабул комиссияси маъсул котиби Иномжон Исроилов аскарлар тест давомида жамғарган балларига 61 балл қўшиб берилишини, агар аскарнинг йиққан бали университетга қабул қилиниш учун етмаса, у шу касбга турдош мутахассисликка ўқитадиган бошқа ўқув юртларидан бирини танлаши мумкинлигини эринмасдан тушунтира кетди.

Вилоятлар кесимида олинадиган бўлса, ҳужжат топшираётганларнинг энг кўпи, вилоятимиз ёшлари ҳисобига тўғри келяпти. Тошкент шаҳри, сурхондарёлик ва қашқадарёлик кўплаб ёшлар ҳам мазкур университетга ўқишга кириш истагини билдиришган.

– Мен университетнинг мева-сабзавотчилик факультетига ҳужжат топширдим, – дейди паркентлик Бобомурод Муллабуваев. – Ўзимизнинг боғимиз бор. У ерда оилавий боғдорчилик билан шуғулланамиз. Шу соҳага қизиққаним учун ҳеч иккиланмай мазкур университетни танладим. Бу ерда абитуриентларга кўплаб қулайликлар яратилганидан хурсанд бўлдим.

Бошқа абитуриентлар сингари Бобомуроднинг қўлига университетнинг махсус логотипи туширилган ҳужжатлар тўпламини беришди. Унинг ичида ҳаттоки сурати ҳам бор экан. Бўлажак талаба қаерда суратхона бор экан, деб сарсон бўлмади.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

Танлов



# ҲАР МАҚОМНИНГ АВЖИ ЎЗГАЧА

**Вилоят маънавият ва маданият саройида мақом жамоалари ва катта ашула ижрочилари танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Бадиий ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, ёшларнинг миллий мумтоз мусиқа санъатига, анъанавий катта ашула ижрочилигига бўлган қизиқишларини ошириш, "Устоз-шогирд" анъаналарини давом эттириш, шунингдек, мақом ва катта ашула йўналишида самарали фаолият юритаётган жамоа ва ижрочиларни кенг тарғиб этиш мақсадида ўтказилган кўрик-танлов Маданият ва спорт ишлари вазирлиги вилоят бошқармаси, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази ва бошқа жамоат ташкилотлари, хусусан, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ, Маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилди. Унда ҳаммаси бўлиб 6 та бадиий гуруҳ, 41 нафар яккахон хонанда иштирок этди. Мумтоз мусиқа, қўшиқчилик санъати ихлосмандлари, дарҳақиқат вилоятимизда кўпчиликни ташкил этади.

"Шошмақом"дан соз чертиб, "Муножот"у "Чўли Ироқ"ни куйлаганлари, дилларни сел қилувчи куй оҳангига хиром этганларини кўрган мақомчилик санъати усталаридан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати вилоятимизда миллий санъатимизнинг ҳақиқий фидойилари кўплиги, айниқса, халқимизнинг беқиёс маънавий оламини кўрсатувчи катта ашулага бўлган қизиқишини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Иштирокчиларнинг устоз санъаткорлар куйлаган Фарғона ва Тошкент йўлидаги катта ашулаларни ижро этишдаги журъату маҳорати алоҳида эътироф этилди. Танлов якунига кўра Бўка туманидан келган "Дугоҳ" фольклор жамоаси, яккахон хонандалардан олмалиқлик Искандар Хўжаев 1-ўринга муносиб кўрилди.

**Саида РАҲМОНОВА,**
**Даврон АҲМАД**
**олган суратлар.**




Офарин!

# САНКТ-ПЕТЕРБУРГДАН «TALLIN FEST»ГА

**Тўйтепадаги Мухтор Ашрафий номли болалар мусиқа ва санъат мактабида бугунги кунда кўплаб ёшлар санъат сирларини ўрганмоқдалар. Уларнинг орасидан эса ажойиб истеъдод эгалари етишиб чиқмоқда.**

Мактаб тўлиқ қайта таъмирланиб, зарур шарт-шароитлар яратилгани ва малакали устозларнинг самарали меҳнатлари туфайли шундай ютуқларга эришилмоқда. Ўқувчилар турли танловларда муваффақиятли иштирок этишаяпти. Жумладан, Зокир Ўтаев раҳбарлигидаги "Қалдирғоч" рубобчилар ансамбли 2012 йили "Янги авлод" Республика болалар ижодиёти фестивалининг совриндори бўлган эди. Ушбу фестивалда фортепьянода куй чалиб, энг юқори натижага эришган Мардон Зикирияев Францияда бўлиб ўтган маданият кунларида иштирок этиб қайтди.



Мактаб раҳбари, фортепьяно ўқитувчиси Валерия Мардиева шогирдлари бу йил Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтган "Мелодии алых парусов" ("Қизил елканлар оҳанглари") халқаро танловида ҳам кўпчилик олқишига сазовор бўлишди.

Мардон Зикирияев ҳамда Мумтозбегим Исроилова танловнинг "Чолғу асбоб ижрочилиги – фортепьяно" номинацияси бўйича III даражали лауреати бўлиб, диплом билан тақдирландилар. Уларнинг устози Эрна Васильевага маданият ривожига қўшган ҳиссаси учун халқаро танловнинг миннатдорчилик хати топширилди.

Фортепьяно жўрлигида рубобда И. Брамснинг "Венгерча рақс" куйи ва гала концертда "Андижон полкаси"ни маҳорат билан ижро этган Мардон Зикирияев, Шоҳруҳ Жўрабоев ва Дилшодбек Муҳаммедовлар "Халқ чолғу асбоблари – ансамбль" номинацияси бўйича "Гран-при" соҳиби бўлди. Ансамблга фортепьянода жўрнавозлик қилган Валерия Мардиева танловнинг "Энг яхши концертмейстери" унвонига сазовор бўлди. Рубобчилар ансамбли раҳбари Зокир Ўтаевга ҳам танлов ғолибларини профессионал даражада тайёрлаганлиги учун миннатдорчилик хати топширилди.

Энди ёш мусиқачилар Санкт-Петербург фестиваль-танлови мутлақ ғолиби сифатида 2014 йил март ойида Эстониянинг Таллин шаҳрида бўлиб ўтадиган "Tallin fest" халқаро танловида иштирок этадилар.

**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ,**
**Ҳилола ҲОТАМОВА.**

Bolalik bog`i

## UKAJONIM

*Ukam o`sib katta bo`lsin,*
*Oy yuzi nurga to`lsin,*
*Barcha unga havas qilsin,*
*Yaxshi o`qib olim bo`lsin.*

*Mayli, bo`lsin suzuvchi,*
*Yo osmonda uchuvchi,*
*Qirq hunarning birini*
*Etagidan tutuvchi.*

*Otamga mehr bersin,*
*Onam poyidan o`psin,*
*Yonlarida qo`l-qanot,*
*Beliga quvvat bo`lsin.*

*Yurganida yo`lida*
*Quyosh bo`lsin, oy kulsin,*
*Baquvvat bilagidan*
*Yurtim chiroyi to`lsin.*

***Omina AGZAMOVA,***
***Zangiota tumanidagi 2-umumta`lim maktabi 9-sinf o`quvchisi.***

Мулоҳаза учун мавзу

# ҚИЗ ЕЛКАСИДАГИ ГУЛ РАСМИ

**Ўзбек халқи, аввало, бошқа миллатлардан ўзлигига хос меъёр ва маданиятга эга эканлиги билан фарқ қилади. Шу сабабли миллатимизнинг қадим ва боқий, бетакрор миллий қадриятлари асрлардан асрларга ўтган сайин сайқалланиб, янгидан-янги қирралари билан намоён бўлиб келмоқда.**

Аммо, афсуски, гуруч ичида курмак ҳам бўлганидек, ана шундай гўзал қадриятларимизга хилоф равишда Ғарбдан кириб келаётган номақбул тақлидлар кўнгилни хира қилмоқда. Кўча-кўйда баданларига ўхшовсиз суратлар чиздириб олган йигит-қизларнинг бу ҳолати ғашга тегади.

Йигитларнику қўяверинг. Ҳали она сути оғзидан кетмаган ёш қиз-жувонларнинг бўйин, бел, елкаларига кўргазма сифатида чизилган турли расмлар кишида ҳам таажжуб, ҳам нафрат уйғотади. Айниқса, бошқа жой қуриб қолгандек, думғаза устига чизилган расмга нима дейсиз?

Биз ўз фарзандларимизни нималар билан машғуллигини, дўсти ёки дугонасининг кимлигини, унинг атрофидаги нарсаларнинг ҳаётига таъсирини, яхши ва ёмон оқибатларини кўрмасак ва сезмасак қандай ота-она бўлдик?!

Гўзаллик салонларида қўли-қўлига тегмай очиқчасига хизмат кўрсатаётган татуаж чизувчи "устомон"лар меҳнатини чеклаш керакдир, балки. Айниқса, ОИВ, ОИТС ва бошқа бедаво дардларнинг нима сабабдан кўпаяётгани, унинг нафақат яқин муносабатлар, балки бир марталик игна ёки шприцлар орқали юқаётганини яхши биламиз. Бундай хавфли инфекциялар гўзаллик салонларидаги тиббий маълумоти бўлмаган ходим ва стерилизацияси кафолатланмаган татуаж чизувчи игнасидан юқмасачи?

Айрим Ғарб давлатлари татуировка билан шуғулланадиган гўзаллик салонларининг фаолиятини чеклашга ва йўқотишга мажбур бўлди. Сабаби ўта ёмон касалликлар айнан шу татуировка орқали юқиши мутахассислар томонидан ўз исботини топди.

Нью-Йорк университетининг бир гуруҳ олимлари



ўтказган тадқиқот натижасида татуировка соҳибларида гепатит С тўрт баробар кўпроқ учраши маълум бўлди. Ҳозирча олимлар бу икки ҳолат ўртасидаги аниқ боғлиқликни исботлай олишмаётган бўлсаларда, гепатит С жигар саратонининг асосий сабаби эканлиги, унга чалинганларнинг тахминан 70 фоизида сурункали жигар касалликлари ривожланиши тиббий текширишлар натижасида ўз тасдиғини топган. Бундай беморларнинг 5 фоизи эса жигар циррози ёки саратонидан вафот этади.

Ўзбекчилик, иссиқ жон, маърака ва йўқлов деган нарсалар бор. Яқинидан ажралган кишисига мотам либосини кийган аёл лабида татуировкаю, кўзида ўсма билан таъзияга келганларни қандай кутиб олишини тасаввур қилинг!?

Ҳадисларда "Кимки баданга ўйиб чизса, ёки чиздирса, унга Аллоҳ таолонинг лаънати ёғилсин" дейилган...

Катта ёшдаги онахонларимизнинг айримларида ҳам татуировка билан чизилган лаб, кўз ва қошлар табиий равишда қариб бораётган юзларни улар кутганчалик ёшартира олармикин?

Ҳали ҳаётнинг энг маъсум палласида турган норасида қизларимиз ғарбга тақлид сифатида баданларига чиздирган расмни кўз-кўзлаш мақсадида янада очиб, ярим-яланғоч ҳолда юришларини кўрган Бибихонимлару Увайсийларнинг руҳи дод демасмикин? Эрта ўтиб индинга она ва уй бекаси бўладиган ёш қизларимизнинг нафақат маънавиятини, балки гулдан ҳам нозик вужудларини оғир хасталикларга чалинтириб, татуировка қилишларини индамай кузатиб ўтириш бизнинг лоқайдлигимиз ва бепарволигимиз эмасми?

"Ўзим чиққан тепани сув босмаса бўлгани" қабилидаги лоқайд ҳолатда ўтирганларни бир ижодкор сифатида огоҳлантириб, бу бемаъни одатдан эртага ўзимиз ҳам жабр кўришимиз мумкинлигини эслатиб ўтмоқчиман. Ахир "бирники мингга, мингники туманга" дейишади-ку. Булар ҳақида сиз ҳам бир ўйлаб кўринг-а!

**Марям АҲМЕДОВА.**

Ҳажвия

# ЭТИГИМ ЭГАЛИК БЎЛДИ!

Дунёда одам дегани ўзига ярашиқли нарсани кийиши, оғзига ёқадиган нарсани ейиши керак. Аммо мен, ейишни гапирмаганда, кийимга эътибор бермаганимдан, шу ёшимгача ўзимга ярашиқли нарса киймаганман. Кийим оламан, деб дўкону бозорларга чиқиб қолсам, аксига олиб, ўзимга мосини тополмай, овора бўлиб юраманми, деб нима тўғри келса, шуни олавераман. Бир кузда бошга икки ўлчам кичик шляпа, оёққа икки ўлчам катта ботинка сотиб олганман. Оёқ кийиминг кенг бўлса, мазза экан-у, аммо бош кийиминг, айниқса, шляпанинг кичиги каллангда турмас экан, салгина шамол эсса тамом, бошдан "шип" этиб, осмонга варваракдай кўтарилади. Учиб кетмаслиги учун қўлингиз мудом шляпанинг соябонида бўлади.

Мендай жиккак одам оёғига жомадондай ботинка, бошига кичкина шляпа қўндириб олса, симметрия бузилиб, "соқов" кинолардаги Чарли Чаплинга ўхшаб қолар экан.

Қум қозонга – лой тувоқ, деганларидай, хотинниям эни билан бўйи ўзимдан уч баробар йириги-га тўғри келганман. Бир ҳисобдан, бунга тақчиллик сабаб бўлган. Тақчиллик нималигини бугунги мўлчилик замонда яшаётганлар тушунишмайди. Биз уйланган пайтда гўштдан тортиб, коса-товоққача, кўйлак-лозимлик газмолдан минадигану оёққа киядигангача "маҳаллий қўмита"нинг рўйхати билан тақсимланарди. Айни, онам менга келин ахтариб юрган кунларнинг бирида ишхонамизга аёлларнинг импорт этигини олиб келишди. У пайтларда аёлларнинг импорт этиги бизга ўхшаган пиёдалар уёқда турсин, отлиқларга ҳам анқонинг уруғи эди. Шунинг учун ишхонамиз, ўша куни бузилган арининг уясига айланди. Эрталабдан иш таққа тўхтаган, ҳамманинг хаёли этикда!

Бир пайт жамоамиздаги эркаклару аёллар ўртасида тортишув бошланиб кетди: аёллар этик фақат бизга берилиши керак, дейишса, эркаклар, биззи хотинлар-



даям оёқ бор, бизгаям этик керак деб, туриб олишди. Юзага келган танг вазият маҳаллий қўмитада муҳокама этилиб, жанжал чиқмасин учун: "Ҳар бир бўлимга биттадан этик ажратилсин, бўлимда қуръа ташланиб, жинсидан қатъи назар, чекига чиққанга берилсин" деган қарор қабул қилинибди. Бизнинг бўлимга битта қирқ тўртинчи этик ажратилибди. У бўлимдаги аёллардан ҳеч бирининг оёғига тўғри келмаса-да, бахт қуши кимнинг бошига қўниб, этик кимга тегиши, маҳаллақўм буюрганидай, қуръа ташлаш билан аниқланадиган бўлди. Буни қарангки, ўша улкан этик, мени чекимга чиқиб турса, денг! Ҳамкасбларим қовоғидан қор ёққудай тумшайиб, менга тешиб юборгудай тикилишган, мен эса, омаддан масрур бўлиб, этикни қайта-қайта силайман, лаб-лунжимни йиғиштиролмай илжаяман.

Кечқурун уйга ҳовлиқиб келиб, қўлтиқдаги этикни онамнинг олдига "тап" эткaзиб ташлаб:

– Мана, яхши ишлаганим учун мукофотга беришди! – деб кучайдим. Мукофотланганимни эшитиб, онам қувониб кетди, сўнг этикни у ёқ бу ёғини айлантириб кўриб:

– Болам, бу аёлларнинг этигимасми? – деди ажабланиб.

– Ҳа, аёлларники, аммо импорт! – дедим бурнимни шишириб.

– Вой, қандоқ яхши! Келиннинг энг топилмас сарпосини бутлабсан, болам! – деди кўзлари қувончдан чақнаб, сўнг этикни пошнасидан учигача қаричлаб ўлчаб кўриб, ажабланди. – Бунинг неча размер?

– Қирқ тўрт!

Размерни эшитиб, онам менга бошдан-оёқ тикилиб туриб:

– Бундан чиқди, шу сумакдай ҳолинг билан роса полвон қизга уйланар экансан-да? – деб киноя қилди.

Онамнинг гапига фариштталар "омин" деган экан, тоғамнинг юбилейида оёғи ерга тегмай, елиб-югуриб, хизмат қилиб юрган, бодом қовоқ, қийғоч кўз, бурнининг учида ясмиқдай холи бор, гупсардай қиз кўзимга чўғдай кўринди. Суриштирсам, тоғамнинг қайинсинглиларидан, янгамизга жиян бўлар экан. Юбилей тугагунича у билан танишиб, элакишиб қолдик. Бир қоп ёнғоқ – шалдир-шулдир қиз экан. Гурсиллаб юришларига қараб, ҳазиллашган бўлиб:

– Бу чаққон оёқларга нечанчи размер киядилар? – десам, қиз тушмагур уялиб, тортиниб ҳам ўтирмасдан:

– Қирқ тўрт, – деб хандон отиб кулиши юрагимни тамоман ишғол қилди-қўйди.

"Ахтарганим топилди!" деб, янгамни воситачи қилиб, унга совчи қўйдим. Холпошшанинг ота-онаси ҳам "Тенгини топсанг, текин бер" дейдиганлардан экан: "Ўйлаб кўрамиз, қариндош-уруғлар билан маслҳатлашамиз"га ҳам бориб ўтирмай, "Икки ёш бир-бирларини маъқул топишса, биз рози!" дейишибди. "Темирни қизиғида бос" дедим-у, бир ой ичида тўйни ўтказиб, уйим – бекалик, этигим – эгалик бўлди. Гумбиллаб юриб, нафақат уйдаги рўзғор ишларини, балки ўрдагини-ўриб, қирдагини-қириб келадиган полвон келинидан онам хурсанд. "Болам, келин эмас, бульдозер оберди!" деб мени алқагани-алқаган. Маҳалламиздаги Шапиқ пиённинг таъбири билан айтганда, эр-хотин роса бир-биримизга "репумиса-реп" бўлиб, мос эмишмиз. Унинг кўзига Холпошша – яримта шиша, мен унинг ёнидаги истаконга ўхшаб кўринармишман. "Мастлик – ростлик". Демак, каминангиз, ниҳоят ўзига ярашиқлисини топибди, деяверинг!

**Дилфуза АКБАРОВА.**


ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати томонидан "KO'HNA TURON" МЧЖга тегишли бўлган Чилонзор тумани, 20-мавзе, 9-уй, 3-хонадонда жойлашган Кадастр томонидан берилган 2009 йил 20 июлдаги ТА-0796913 сонли бино гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный диплом К № 2248635, выданный строительным профессиональным колледжом г. Ташкента в Алмазарском (Сабир Рахимовском) районе г. Ташкента на имя Муслимова Мирабдусаида Вохид угли, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный аттестат о среднем образовании O'R-A 1705321 от 26.06.2004г., выданный средней школой № 229 Учтепинского (А. Икрамовского) района г. Ташкента на имя Шамансурова Улугбека Шарасуловича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСВИТЕЛЬНЫМ.**

Чилонзор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2013 йил 30 апрелда № 008815-08 реестр рақами билан рўйхатга олинган "WATER AND DRINK BUSINESS" хусусий корхонасининг қарорига асосан ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилади.

Даъволар Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Х. Қодирий 1-тор кўчаси, 23-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "SHOWQ INVEST GROUP" қўшма корхонаси таъсисчилари устав жамғармасини 320 917,24 АҚШ долларидан 85 305,87 АҚШ долларига камайишини маълум қилади.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.

ИП ООО "CENTRAL ASIA DEVELOPMENT CORPORATION" (ИНН 300622293), зарегистрированное по адресу: г. Ташкент, ул. Бобура, д. 30, Министерством Юстиции РУз 16.11.2007г., в соответствии с протоколом общего собрания участников № 1 от 05.07.2013г. уменьшает уставный фонд со 150 000,00 долларов США до 90 000,00 долларов США.

Требования кредиторов о досрочном прекращении или исполнении обязательств принимаются в течение одного месяца с момента опубликования настоящего объявления по адресу: г. Ташкент, ул. Бобура, д. 30.


Рассом хандаси




Жиноятга жазо муқаррар

# СОХТА ШАХТЁРЛАР ВА ЗОБИТЛАР ҲАМКОРЛИГИ

## саккиз йилдан ўн бир йилгача қамоқ жазоси билан "тақдирланди"

Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатларида аниқ-тиниқ ёзиб қўйилганки, ер, ер ости ресурслари давлатга тегишли. Аммо Оҳангарон туманининг тоғли Телов қишлоғилик бир шахс ҳамда қонунни ҳимояловчи бир неча ходимлар буни билишмас экан. Таажжуб!

Бу жиноятни баён этишдан олдин уюшган жиноятчилар гуруҳи аъзоларини таништирсак: ёши 50 ни қоралаган, ҳеч қаерда ишламайдиган, лекин анча бадавлат яшовчи Умарали Шеров. Қолган тўрт нафари ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари (ана холос!) – туман ИИБ бошлиғининг биринчи муовини Зафар Файзиев; Телов ТХЖҚБ ходими Жасур Эркаев; Телов милиция бўлинмаси бошлиғи Рамзиддин Ҳусанов; туман ИИБ жиноят қидирув ва УЖҚҚБ тезкор вакили Жамолиддин Бойсупов. Аҳамият беринг – барчаси офицерлик лавозимларида, икки нафари эса республика ИИВ Академиясини битирган.

... Тааллуқли идораларга анчадан бери бу тоғли ҳудудларда ноқонуний қазилма ишлари олиб борилаётгани тўғрисида маълумотлар кела бошлаганди. Ходимлар жойларга бориб, суриштирув ишлари, қонунда белгиланган бошқа тадбирларни олиб борса-да, натижа ёки умуман бўлмаган, ёки бўлса-да, минг бир машаққатлар билан ишлаб чиқарилган махсус тадбирлардан кейин "тўрларга" "майда балиқчалар" тушган. "Ноқонуний қазилма ишлари" деганда бу ўринда Санам, Овжаз қишлоғи ҳудудидаги ишламаётган шахталардан олтин тошларни қазиб олиш тушунилади.

Яширин олтин қазиб олувчилар нима учун ҳадеганда қўлга тушмаётгани кейинчалик аён бўлди: бу "шахтёрлар"ни криминал "қалқон" билан айнан шундай жиноятларнинг олдини олиш учун тайинланган милиция ходимлари таъминлашаётган экан! Яъни, ўғриларни қароқчилар ушлаётгандек...

Албатта, номлари зикр этилган одамлар шахтага ўзлари тушиб, тошларни ўз қўллари билан майдалаб, олтин тошларни ажратмаган. Зарил келибдими? Бу оғир меҳнат билан шуғулланувчилар сонмингта ва бу бешликнинг асосий вазифаси қимматбаҳо металлни топганлардан ўз улушини олиш. Сўнг бу тошлар қўлбола усулда эритилиб, кейинчалик 1 грамми 90 мингдан то 125 минг сўмгача пулланган.

Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари режалаштирган ва амалга оширган тезкор тадбир натижаси кутилганидан ҳам ажаблироқ бўлди. Ўзингиз тасаввур қилинг: У. Шеровнинг (дарвоқе, бу шахс аввал судланган) хонадони тинтув қилинганида, ярим килограммдан ортиқроқ аммонит (кучли портловчи модда!), қўлбола детонатор, электр кабеллар ва бир литрдан ортиқ азот кислотаси ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштирилди. Айтмоқчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Умарали Шеров нархи салкам 19 миллион бўлган "Спарк" автомашинасини сотиб олганига нима дейсиз? Бундай моддий бойликлар, яхши еб, яхши ичишлар бу шахснинг ўзини ишламаётган шахталарнинг "хўжайини" деб таништиргани эвазига эканлиги таажжубли.

Собиқ ички ишлар идораси ходимлари Жасур Эркаев, Зафар Файзиев, Рамзиддин Ҳусанов ва Жамолиддин Бойсупов эса ноқонуний олтинтош қазиб олишда айбланувчи шахслардан катта миқдорда пора олиш эвазига қонуний чора кўришмай, жиноятларни яшириб келишган.



Суд бу уюшган гуруҳнинг жиноий фаолиятига қонуний нуқта қўйди: енгил пул топиб, босар-тусарини билмай қолган бу кимсаларга 8 йилдан 11 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Лекин, маълумотларга кўра, бу шахталарда яна "олтин васвасаси" бошланибди. Яна ноқонуний қазилмалар, портлашлар, пинҳона олтин сотишлар... Қизиқ, бу нарсага узил-кесил чек қўйиб бўлармикан? Ёки "сариқ шайтоннинг" жодуси шунчалар кучлимикан?

**Шоҳимардонхон ШОДИХОНОВ.**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 7598. Адади 7 758. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.40.